КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЭРКИН ҲАЁТ ВА ЯНГИ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ!





Jizzax haqiqati

Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir!

Gazeta 1974-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

WWW.JIZZAXNEWS.UZ

E-mail:jizzax.haqiqati@yandex.com

№ 91 (6760)

2026-YIL 14-NOYABR, SHANBA.

■ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ХИТОЙЛИК ИНВЕСТОРЛАР ВИЛОЯТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРДИ



Жиззах вилоятида Хитой билан инвестициявий ва иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, аввал эришилган келишувларни амалий босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Шу мақсадда вилоят ҳокимлигига Хитой Халқаро маданий коммуникациялар маркази ҳамда "JDB Group" компанияси билан аввал эришилган келишувлар доирасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бир қатор йирик компаниялар вакилларидан иборат делегация ташриф буюрди.

Жумладан, делегация таркибидан "Yunnan Mouding Minzhixin Agricultural Technology Co., Ltd.", "Hong Kong Antong Investment Co., Ltd." ҳамда "Guangzhou Dezhikang Pharmaceutical Technology Co., Ltd." компаниялари вакиллари ўрин олди.

Меҳмонлар билан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, мавжуд имкониятлар ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари юзасидан атрофлича мулоқот ўтказилди.

Учрашув аввалида Хитой делегациясининг Жиззах вилоятига навбатдаги сафарида қатор етакчи компаниялари вакилларининг ташриф буюрганлиги алоҳида эътироф этилди. Бу икки томон ўртасида аввал эришилган келишувларга бўлган ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга бўлган интилишнинг амалий ифодаси экани таъкидланди.

Қайд этилганидек, аввалги учрашувлар давомида Жиззах вилоятида бир қатор йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича муҳим келишувларга эришилган эди. Хусусан, замонавий меҳмонхона мажмуасини барпо этиш, ноанъанавий Хитой тиббиёти асосида фаолият юритувчи даволаш маркази ҳамда тоғли ҳудудда санаторий мажмуасини ташкил қилиш, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган Хитой ўқув марказини очиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлашга мўлжалланган замонавий логистика марказини барпо этиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши вилоят иқтисодиётини диверсификация қилиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, янги иш ўринлари яратиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, тиббиёт ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун ҳам янги имкониятлар яратади.

Учрашувда эришилган келишувларни аниқ амалий натижалар билан мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шу мақсадда ҳар бир лойиҳа бўйича инвестиция ҳажми, амалга ошириш муддатлари, жойлашув манзиллари ва ташкилий масалаларни аниқ белгилаш, шунингдек, мазкур йўналишда икки томонлама йўл харитасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Шунингдек, лойиҳаларни жадаллаштириш мақсадида қўшма ишчи гуруҳ фаолиятини янада фаоллаштириш, инвесторлар учун зарур ташкилий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш борасида вилоят ҳокимлиги томонидан ҳар томонлама амалий кўмак кўрсатилиши билдирилди.

Ўз навбатида, делегация таркибидаги компаниялар фаолиятининг муҳокама қилинган инвестиция йўналишларига мос келиши келгусидаги ҳамкорлик учун муҳим имконият экани қайд этилди.

Мулоқот якунида Хитой Халқаро маданий коммуникациялар маркази раиси Лонг Юйсян бошчилигидаги делегация билан йўлга қўйилган алоқалар икки томон учун ҳам манфаатли натижалар беришига ишонч билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай ҳамкорлик Жиззах вилоятининг инвестициявий салоҳиятини янада ошириш, замонавий технология ва тажрибаларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, энг муҳими, аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Зоир ЭРГАШЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")

Ботир ҚУДРАТОВ олган сурат.

■ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА

ШАФФОФЛИК — самарали назорат асоси

Аввал хабар берганимиздек, вилоятимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгаш аъзолари учун "Ўзбекистонда коррупцияга қарши миллий экотизимни мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида икки кунлик семинар-тренинглар ташкил этилди. Тадбирларнинг сўнгги кунида иштирокчиларга "Шаффофликни таъминлаш учун фуқаролик жамияти ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик" мавзусида дарслар ўтказилди.

Машғулотлар давомида ҳудудий кенгаш аъзолари аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларни ўрганиш, хабарлардаги факт ва даъволарни фарқлаш, давлат органларининг ахборот сўровларига муносабати ҳамда очиқ маълумотлардан фойдаланиш бўйича ҳолатларни таҳлил қилишди. Амалий мисоллар орқали давлат харидлари, манфаатлар тўқнашуви ва давлат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавфлар муҳокама этилди. Бу жараёнда сўз эркинлиги кафолатлари, мурожаатларнинг ҳуқуқий турлари, фуқаролик жамияти институтларига берилган муҳим ваколатлар, очиқ манбалардаги керакли ньюансларни англаш, ахборот тарқатиш масъулияти ҳамда турли қонунчилик манбалари билан ишлай олиш кўникмаларига оид жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Ўқувлар давомида қатнашчилар коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда фуқаролар мурожаатлари, очиқ маълумотлар, статистик кўрсаткичлар, ОАВ материаллари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари хулосаларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини оширдилар. Шунингдек, келиб тушган хабарларни таҳлил қилишда тасдиқланган фактларни тахмин ва текширилмаган маълумотлардан ажратиш, қўшимча ахборот заруратини баҳолаш ҳамда ҳар бир мурожаатга ўз ваколати доирасида қонуний ва асосли муносабат билдириш масалаларига урғу берилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва ҳудудларда очиқликни таъминлаш бўйича ўз таклифларини билдирдилар. Ҳудудлар бўйича тайёрланган таклифлар Коррупцияга қарши курашиш агентлигига кўриб чиқиш учун тақдим этилади ҳамда улардан тегишли чора-тадбирларни белгилашда фойдаланилади. Шу кунгача ўтказилган машғулотларда 60 дан ортиқ таклиф ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг 10 таси қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топди. Улардан тўрттаси айнан Жиззах вилояти вакиллари томонидан билдирилган эди.

Юсуфбек САЙДАЛИЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")

■ ФАРМОН ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 2 июлда "Балиқчилик тармоғини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра сув ресурслари чекланган шароитда балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш, ягона бошқарув тизимини жорий этиш, балиқ маҳсулотлари турларини кўпайтириш, интенсив технологияларни кенг татбиқ этиш орқали балиқ етиштириш ҳажмини ошириш мақсад қилинган.



Шерзод ЭГАМҚУЛОВ олган сурат.

Инсон саломатлиги учун парҳезбоп маҳсулотларни кўпайтириш, тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири. Арнасой туманида балиқ етиштириш, кўпайтириш, табиий ҳавзалар, кўлларнинг мавжудлиги, узоқ йиллик тажриба ва малака бугун бу соҳанинг истиқболини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам балиқ етиштириш, овлаш ва ҳудуднинг ўзида парҳез таомни истеъмол қилиш истагидаги ҳамюртларимизнинг, сайёҳларнинг Айдар-Арнасой кўллари томон чорланаётгани ҳам бежиз эмас.

Айни пайтда туманда балиқчиликка ихтисослашган Айдар-Арнасой кўллар дирекцияси, қишлоқ хўжалиги корхоналари, жамиятлар, хусусий корхоналар ҳамда 20 га яқин фермер хўжаликлари фаолият олиб бораётир. Жорий йилда 525 гектар сувли майдонда 6815 тонна балиқ етиштириш режалаштирилган.

"Бухоро" фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасидаги 7,5 гектар табиий сув ҳавзасида "Муқимов Янгибой" номли фермер хўжалиги аъзолари мана 16 йилдирки балиқчилик билан шуғулланади. Жорий йилнинг март ойида ҳавзага 10000 дона сазан, 10000 дона дўнгпешона ҳамда 2000 дона оқ амур балиғининг чавоқлари ташланиб, парваришланди.

— Етти ойда чавоқларимиз етилиб, ҳар бири 1,5-2 килодан тош босаяпти, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Янгибой Муқимов. — Бу мавсумда жами 25-27 тонна маҳсулот олишни хомчўт қилаяпмиз.

Тадбиркор Янгибой Муқимов балиқчилик хўжалигида бешта доимий иш ўрни яратган. Фермер хўжалиги раҳбари эндиликда Хитой технологияси асосида интенсив усулда балиқ етиштиришни ният қилган. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, тадбиркор анъанавий усулда гектарига уч тонна маҳсулот олса, интенсив йўналишда гектарига 5-7 тоннагача балиқ етиштириш имкониятига эга бўлади.

З.КАЛОНОВ.
("Жиззах ҳақиқати")

■ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИ



ФИКРЛАР ТАШАББУСГА, ТАШАББУСЛАР КЕЛАЖАККА АЙЛАНАДИ

Жиззахда "Янги Ўзбекистон зиёлилари — миллий юксалиш таянчи" шиори остидаги ҳудудий йиғилишнинг иккинчи куни ҳам мазмунли муҳокамалар ва амалий таклифларга бой бўлди. Биринчи куни миллат тараққиёти, маънавият, илм-фан ва зиёлиларнинг жамият олдидаги масъулияти ҳақида билдирилган фикрлар иккинчи куни аниқ ташаббусларга уланиб кетди. Жиззах вилоятида ўтказилган "Ўзбекистон зиёлилари кенгаши" ҳудудий йиғилишининг иккинчи куни айнан шу жиҳати билан аҳамиятли бўлди.



Ботир МУҚИМОВ олган сурат.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Дилмурод Худойшукуров бошқарган йиғилишда дастлаб еттита шуъба модераторига сўз берилди. Чиқишларда ҳар бир модератор биринчи куни ўз йўналиши бўйича муҳокама қилинган масалалар ва умумлаштирилган таклифларни регламент қоидасига мувофиқ 5 дақиқа давомида презентациялар орқали тақдим этди.

Дастлабки шуъба муҳокамаларида ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни ривожлантириш ва замонавий шароитда соғлом дунёқарашни шакллантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, "Ёш ватанпарварлар" ва "Маърифатпарвар ёшлар" ҳаракатларини волонтёрлик асосида ташкил этиш, ташаббускор ёшларни рағбатлантириш, миллий маданий марказларнинг моддий-техник имкониятларини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Кейинги йўналишда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги, ёш авлод тарбияси ҳамда ижтимоий масъулият масалаларига эътибор қаратилди. Мактабларда синфлардаги ўқувчилар сонини 25 нафардан оширмаслик, таълим-тарбия жараёнида тажрибали инсонлар иштирокини кенгайтириш, эркак ўқитувчилар улушини ошириш каби таклифлар билдирилди.

Бугун ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган рақамли макон ҳам муҳокамалардан четда қолмади. Учинчи шуъбада болалар ва ўсмирларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш, интернетдан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш масалалари кўтарилди. Жумладан, "Телефонсиз бир соат", "Икки авлод — бир суҳбат" лойиҳаларини амалга ошириш, ёшларнинг интернетдан хавфсиз фойдаланишига қаратилган қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бу ёндашув замонавий технологиялардан воз кечишни эмас, балки улардан онгли ва мақсадли фойдаланиш кўникмасини шакллантиришни назарда тутади.

(Давоми 2-саҳифада)

БУГУНГИ СОНДА:



КАСБИЙ ЭТИКА: сўз эркинлиги, холислик ва масъулият мезони — 2 бет

3 бет — НАРКОЖИНОЯТЛАР фош этилмоқда





4 бет — QANDLI DIABET befarqlikni kechirmaydi

Jizzax haqiqati

www.jizzaxnews.uz E-mail:jizzax.haqiqati@yandex.com jizzaxnews_press

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИ

ФИКРЛАР ТАШАББУСГА, ТАШАББУСЛАР КЕЛАЖАККА АЙЛАНАДИ

(Аввали 1-саҳифада)

Тил, адабиёт ва китобхонлик масалаларига бағишланган муҳокамаларда она тилимизнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларида адабий тил меъёрларига риоя этиш, нашрга тайёрланаётган китобларнинг савиясини ошириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Тарих ва миллий хотирага бағишланган шуъбада Жиззахнинг бой тарихий меросини чуқур ўрганиш, археологик ёдгорликларни асраш ва илмий жиҳатдан тадқиқ этиш масалалари кўтарилди. Хусусан, Тошбулоқ ва Тўғонбулоқ археологик ёдгорликларида комплекс тадқиқотлар ўтказиш, уларни муҳофаза қилиш, миллий рўйхатга киритиш ҳамда халқаро миқёсда танитиш бўйича ташаббуслар илгари сурилди. Аждодлар меросини замонавий таълимга татбиқ этиш, электрон ресурслар ва ҳужжатли фильмлар орқали ёш авлодга етказиш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Маданият, санъат, театр ва кино йўналишидаги муҳокамаларда миллий маданиятни кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришга қаратилган таклифлар диққатга сазовор бўлди. Жумладан, очиқ осмон остида маданий тадбирлар, кино намойишлари ва театр томошаларини кўпайтириш, савдо марказлари ҳамда аҳоли гавжум масканларда миллий куй-қўшиқларни кенгроқ янгратиш ташаббуслари билдирилди.

Еттинчи шуъбада илм-фан ва таълим тизимини ривожлантириш, инновациялар, замонавий тиббиёт ва яшил тараққиёт масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон таълим тизимини 2040-йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларида захира кадрлар тизимини шакллантириш каби таклифлар илгари сурилди.

— "Янги Ўзбекистон зиёлилари — миллий юксалиш таянчи" шиори остида ташкил этилган икки кунлик мазкур ҳудудий йиғилишнинг энг муҳим жиҳати, назаримда, турли соҳа вакилларини ягона мақсад атрофида бирлаштириб, мамлакатимиз тараққиётига дахлдор масалаларни кенг муҳокама қилиш имконини яратганидадир. Чунки зиёлилар жамиятнинг нафақат илмий, маданий ва маънавий салоҳиятини намоён этувчи қатлам, балки ижтимоий жараёнларга муносабат билдирадиган, халқ тафаккури ва дунёқарашига таъсир кўрсата оладиган куч ҳамдир, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори Сайёра Тўйчиева.

Ҳудудий йиғилишларда шакллантирилган таклифларни умумлаштириб, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган "Ўзбекистон зиёлилари кенгаши" республика йиғилишида тақдим этиш кўзда тутилган.

Х.РУСТАМОВ.
("Жиззах ҳақиқати")

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Жиззах Sambhram университетида "Илм-фан тараққиёти: илмий инновацион ёндашувлар ва стратегик таҳлиллар" мавзусида II халқаро илмий-техник анжуман бўлиб ўтди.



ИЛМ-ФАН РИВОЖИ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

илмий ҳамкорлик, инновацион ғоялар ва замонавий тадқиқотлар истиқболлари

Ушбу нуфузли тадбир илм-фан ва таълим интеграциясини ривожлантириш, замонавий илмий ютуқларни оммалаштириш, инновацион ғоялар алмашинувини кучайтириш ҳамда халқаро илмий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Анжуман гибрид форматда, яъни онлайн ва офлайн шаклларда ташкил этилди. Унда маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, олимлар, тадқиқотчилар ҳамда илмий изланувчилар иштирок этди. Турли мамлакатлар ва илмий мактаблар вакилларини бир майдонда жамлаган анжуман илм-фан соҳасида тажриба алмашиш, янги илмий ғояларни муҳокама қилиш ва истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун муҳим имконият яратди.

Тадбирни университет ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Жуманазар Хусанов кириш сўзи билан очиб берди. У ўз нутқида бугунги кунда илм-фан тараққиёти, инновацион ёндашувлар ва замонавий технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишнинг аҳамиятига эътибор қаратди. Шунингдек, илмий салоҳиятни юксалтириш, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида бундай анжуманларнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлади.

Sambhram университети асосчиси, Sambhram Group раиси доктор Награж Венкатеш ҳам анжуман иштирокчиларига самимий табрик сўзларини йўллаб, илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари хусусида ўз фикрларини билдирди. Анжуман давомида турли соҳаларнинг етакчи мутахассислари томонидан илмий маърузалар тингланди. Хусусан, сунъий интеллект, машинавий ўқитиш, рақамли технологиялар, иқтисодий ривожланиш, фундаментал ва ижтимоий-гуманитар фанлардаги инновацион ёндашувлар, замонавий илмий тадқиқотлар ҳамда уларнинг амалий натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда техника фанлари доктори, профессор Эргаш Салиев, Ҳиндистоннинг Давангере университети профессори, доктор Б.С. Прасаннакумара, "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари, профессор Ойниса Мусурманова, Самарқанд давлат университети Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар факультети профессори Христо Анант, профессор Фарида Абдурахимова, Тошкент халқаро таълим университети катта ўқитувчиси Первиз Мамедов ҳамда бошқа олим ва мутахассислар иштирок этди. Маърузаларда илм-фаннинг бугунги тараққиёт тенденциялари, рақамли трансформация шароитида янги билим ва кўникмаларни шакллантириш, илмий изланишларнинг иқтисодиёт ва жамият ҳаётидаги аҳамияти хусусида фикрлар билдирилди. Айниқса, сунъий интеллект технологияларининг турли соҳаларга жадал кириб келаётгани, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ва бу жараёнда илмий ёндашувнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Жиззахда ўтказилган II халқаро илмий-техник анжуман ҳам илм-фан салоҳиятини намоён этиш, инновацион тафаккурни ривожлантириш ва халқаро илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шаҳноза ЮЛДАШЕВА.
("Жиззах ҳақиқати")



КАСБИЙ ЭТИКА: СЎЗ ЭРКИНЛИГИ, ХОЛИСЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ



Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими томонидан "Жиззах ҳақиқати" ва "Джизакская правда" газеталари таҳририяти биносида "Ўзбекистон журналистларининг касбий этикаси кодекси" лойиҳасининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларига бағишланган йиғилиш ташкил этилди. Унда журналистика соҳаси вакиллари, таҳририят ходимлари ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирнинг асосий мақсади — миллий журналистикада касбий этика меъёрларини янада мустаҳкамлаш, журналистнинг жамият олдидаги масъулиятини ошириш, ахборот тарқатишда холислик, ҳаққонийлик ва адолат тамойилларига риоя этиш масалаларини кенг муҳокама қилишдан иборат. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Медиа таълим лойиҳалари бўлими бошлиғи Нозима Тошпўлатова Кодекс лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва асосий тамойиллари ҳақида маълумот берди.

— Бугунги тезкор ахборотлар замонида журналистнинг сўзи, муносабати ва ҳар бир хабари жамоатчилик фикри шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади, — деди Н.Тошпўлатова. — Айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали турли маълумотлар сониялар ичида тарқалаётган бир пайтда журналистдан нафақат тезкорлик, балки юксак масъулият, пухта таҳлил ва касбий маданият ҳам талаб этилади. Чунки журналистнинг вазифаси фақат воқеани ёритиш эмас, балки унинг моҳиятини очиб бериш, ҳақиқатни холис етказиш ва жамиятда соғлом фикр шаклланишига ҳисса қўшишдир.

Шу маънода, "Ўзбекистон журналистларининг касбий этикаси кодекси" лойиҳасининг муҳокамаси соҳа вакиллари учун муҳим аҳамият касб этади. Зеро, касбий этика журналист фаолиятининг маънавий мезони, унинг қалами ва виждони ўртасидаги мустаҳкам боғлиқликдир. Журналист ахборот тайёрлаш жараёнида, аввало, фактларни текшириши, турли манбаларга таяниши, бир томонлама хулосалардан қочиши, инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши лозим. Айниқса, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, муаллифлик ҳуқуқи, ахборот манбаларига муносабат, жамоатчилик ишончи ва журналистнинг касбий мустақиллиги каби масалалар бугунги кун журналистикасида алоҳида ўрин тутади.

—Таъкидлаш жоизки, касбий этика фақат муайян қоидалар ва талаблар йиғиндиси эмас, — деди Ўзбекистон телеканали вилоят мухбири Дилмурод Абдураҳимов. — У журналистнинг ички маданияти, виждони, одамларга муносабати ва касбига бўлган садоқатида намоён бўлади. Қалам аҳли ҳар бир сўзининг масъулиятини ҳис этиши, ҳақиқатга содиқ қолиши ва жамоатчилик ишончини асраши лозим. Бугун миллий журналистика олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳам ана шу ишончни мустаҳкамлашдир. Бунинг учун эса ҳар бир журналист ўз касбига фақат меҳнат фаолияти сифатида эмас, балки жамият ва халқ олдидаги юксак масъулият сифатида қараши зарур.

Муҳокама давомида журналистлар лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Шаҳноза БУТУНБОЕВА.
("Жиззах ҳақиқати")
Ш.ЭГАМҚУЛОВ олган суратлар.

ҲУҚУҚИЙ АКЦИЯ

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



Айни кунларда вилоятимизда Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари маркази ҳамда "Юксалиш" ҳаракати билан ҳамкорликда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" мавзусида бепул ҳуқуқий маслаҳатлар акцияси ўтказилмоқда. Истеъмол бозорида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда бу борадаги қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ташкил этилаётган тадбирларнинг галдагиси Жиззах шаҳридаги 1-сонли техникумда бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассиси Ислом Маматқулов сўзга чиқиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бошқарма томонидан фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳисоботи бўйича маъруза қилди. Унга кўра, бошқармага истеъмолчиларнинг мурожаатлари билан боғлиқ 1647 та шикоят келиб тушган бўлиб, уларнинг асосий қисмини уй-жой коммунал хизматлари, алоқа ва телекоммуникация ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ эътирозлар ташкил этган. Кўриб чиқилган аризалар натижасида 3 млрд сўмга яқин маблағ фуқаролар манфаатига қайта ҳисобкитоб қилинган.

Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари соҳа мутахассисларидан нуқсонли товарни алмаштириш тартиби, интернет савдосидаги товламачиликлардан огоҳ бўлиш, маҳсулотларнинг шубҳали нархларини текшириш, касса чекини талаб қилиш, коммунал ва банк хизматларида истеъмолчилар манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий маслаҳатларни олдилар. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ҳолатларида даъво ва шикоят хатларини расмийлаштириш, сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотга талабнома киритиш ҳамда ваколатли идораларга мурожаат қилиш тартиби юзасидан амалий тушунтиришлар берилди.

Акция доирасида фуқаролар кўтарган масалалар умумлаштирилиб, истеъмол бозоридаги тизимли муаммоларни бартараф этиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда тегишли идораларга киритилиши белгиланди.

Юсуфбек САЙДАЛИЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")
Ш.БОТИРОВ олган сурат.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

НАЗОРАТ БОР ЖОЙДА СИФАТ БЎЛАДИ

Вилоят ҳокимлигига қарашли бошқармалар уйида Транспорт назорати инспекцияси ҳамда Жиззах вилояти ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўн ойида амалга оширилган ишлар юзасидан ОАВ вакиллари, журналистлар, блогерлар ва кенг жамоатчилик учун матбуот анжумани ташкил этилди.



Тадбир давомида соҳада амалга оширилган ишлар, қонунчиликдаги янгиликлар ва назорат жараёнларини рақамлаштириш борасидаги натижалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Автомобиль транспорти соҳасида қонунийликни таъминлаш, йўловчи ва юк ташиш фаолияти устидан назоратни кучайтириш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2026 йил январь-октябрь ойларида вилоят ҳудудида жами 833 та назорат-рейд тадбири ўтказилиб, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 6 минг 927 та маъмурий баённома расмийлаштирилди. Шунингдек, профилактик йўналишда 183 та тадбир ташкил этилди, — дейди Транспорт назорати инспекцияси Автомобиль транспортида назорат қилиш бошқармаси Жиззах вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Абдумурот Бобамуллаев.

Шунингдек, алоҳида эътибор катта ҳажмли ва оғир вазнли юк автомобиллари ҳаракатини назорат қилишга қаратилганлиги, чунки белгиланган меъёрлардан ортиқ юк билан ҳаракатланиш автомобиль йўлларининг муддатидан олдин емирилиши ва шикастланишига сабаб бўлиши ва ҳисобот даврида кўчма тарозилар ёрдамида олиб борилган назорат тадбирларида 1 минг 77 та қоидабузарлик аниқланиб, тегишли тартибда маъмурий чоралар кўрилган-лиги ҳам такидланди.

Матбуот анжуманида инспекция бошлиғи Жамшид Каримов томонидан инспекция фаолиятини рақамлаштириш борасидаги янгиликлар ҳам тақдим этилди. Унга кўра, "Рақамли инспекция" мобил иловаси орқали ташувчилар, транспорт воситалари, ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтиши ва бошқа зарур маълумотларни ягона платформада олиш имконияти яратилди. Инспекция ходимларининг замонавий планшетлар билан таъминлангани эса маъмурий ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш ва ортиқча қоғозбозликни қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Йўл қурилиши сифатини назорат қилиш борасидаги натижалар ҳам эътиборга молик. Ҳисобот даврида вилоят ҳудудида 221 та йўл объекти рўйхатга олинди. Уларда ўтказилган 85 та назорат тадбири давомида 231 та қоидабузарлик аниқланди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан буюртмачи ва пудрат ташкилотларига 89 та бажарилиши мажбурий кўрсатма берилди. Энг эътиборлиси, 22 та объектда аниқланган 3 миллиард 452 миллион сўмлик сифатсиз бажарилган иш ҳажмини тўловдан чиқариш бўйича буюртмачиларга талабномалар киритилди.

Бу рақамлар йўл қурилиши жараёнида сифат ва масъулият масаласи назардан четда қолмаётганини кўрсатади. Зеро, йўл қуришга ажратилган маблағнинг самарадорлиги, аввало, мустаҳкам ва узоқ хизмат қиладиган йўлларда намоён бўлиши керак.

Матбуот анжумани якунида иштирокчилар учун пресс-тур ташкил этилди. Унда журналист ва блогерлар М39 автомобиль йўлида Транспорт назорати инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилаётган юк автомобилларининг вазнини ўлчаш бўйича назорат-рейд тадбирларини бевосита кузатди. Мутахассислар кўчма тарозиларнинг ишлаш тартиби, юк машиналарининг вазн кўрсаткичларини текшириш жараёни ва белгиланган меъёрлардан ошган ҳолатларда кўриладиган чоралар ҳақида батафсил тушунтириш берди.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири ўринбосари Илҳомжон Абдугафаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси бошлиғи Жамшид Каримов томонидан вилоятимиздаги жисмоний ва юридик шахслар билан сайёр қабул ҳам ўтказилди.

Қабулга транспорт тизимида фаолият юритадиган масъуллар, тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари , фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сайёр қабулда транспорт хизматларидаги муаммолар, ноқонуний йўловчи ташиш ҳолатлари ва соҳани такомиллаштиришга оид таклифлар, мурожаатлар ва масалалар ўрганилиб, муҳокама қилинди.

14 нафар жисмоний ва юридик шахс иштирок этган қабулда аксарият мурожаатларга жойида ечим топилди. Қўшимча ўрганиш талаб этувчи масалалар бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

Бундай сайёр қабуллар аҳоли ва тадбиркорлар муаммоларини жойида ўрганиш, мурожаатларга тезкор ечим топиш ҳамда транспорт хизматлари сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Худойберди ЗИЁТОВ,
Зоир ЭРГАШЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")
Ботир ҚУДРАТОВ олган сурат.

Jizzax haqiqati

ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ МУҲИМДИР

3

www.jizzaxnews.uz E-mail:jizzax.haqiqati@yandex.com jizzaxnews_press 2026-yil 14-noyabr

БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНИ

КЎЗЛАРГА НУР, ҚАЛБЛАРГА УМИД БАХШ ЭТИБ...

(очерк)

Инсон учун дунё гўзаллиги, ҳаёт завқи, яқинлари чеҳраси ва она табиатнинг бетакрор рангларини кўришдан ортиқ бахт борми? Кўз — инсоннинг оламни англаш, унинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиш имкони. Шу боис, кўз саломатлигини асраш, хиралашган нигоҳларга яна нур қайтариш шифокордан нафақат юксак билим ва маҳорат, балки улкан масъулият, сабр-тоқат ва инсоний фазилатларни ҳам талаб этади. Меҳнат фаолиятини беморларга шифо улашишдек хайрли ва савобли ишга бағишлаган шифокорлар вилоятимизда талайгина. Ана шундай шарафли касб эгалари сафида Жиззах шаҳридаги "MARVA NUR MED" хусусий клиникасининг офтальмохирурги, олий тоифали шифокор Улуғбек Каримовнинг ҳам ўз ўрни ва муносиб обрўси бор.

Зиёли оилада таваллуд топган Улуғбек ака болаликданоқ шифокорлик касбига меҳр қўйди. Инсон дардига малҳам бўлиш, беморларга ёрдам бериш истаги унинг қалбида эрта уйғонган эди. Мактаб йиллариданоқ танлаган касбига жиддий тайёргарлик кўрган ёш йигит олий тиббий маълумот олишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйди. Камолот пиллапояларида улғайган қаҳрамонимиз 1996 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, талабалик бахтига муяссар бўлди. Бу эса тиббиёт соҳасига илк қадам қўйган йигит учун катта масъулият ва улкан имкониятлар эшигини очди.

Талабалик йиллари унинг ҳаётида муҳим мактаб вазифасини ўтади. У фақат дарсликлардаги билимлар билан чекланиб қолмади. Касб сирларини чуқур ўрганиш, замонавий тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлиш, тажрибали устозлардан сабоқ олишга интилди. Ўз устида мунтазам ишлади, турли давлатларда ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этиб, билим ва дунёқарашини бойитди. Чунки у яхши англарди: тиббиётда кечаги билим бугун етарли бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир янгиликни ўрганиш, ҳар бир тажрибадан хулоса чиқариш шифокорнинг касбий камолоти учун муҳимдир.

Улуғбек Каримов дастлабки меҳнат фаолиятини вилоят кўз касалликлари шифохонасида бошлади. Бу ерда у назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб, турли кўз касалликларига чалинган беморларни даволаш жараёнида катта тажриба тўплади. Унинг шифокорлик фаолиятида бир муҳим жиҳат бор: у беморга фақат касаллик тарихи ёки тиббий ташхис нуқтаи назаридан қарамайди. Аввало, унинг дардини тинглайди, руҳий ҳолатини ҳис қилишга интилади. Чунки кўз касаллиги билан юрган инсон учун баъзан шифокорнинг бир оғиз тасаллиси, самимий муносабати ҳам катта куч бағишлайди. Даволаш жараёнида ҳар бир беморнинг имконияти ва руҳиятига қараб ёндашиш, амалга ошириладиган муолажаларни тушунтириш, унинг қалбида эртанги кунга ишонч уйғотишни муҳим деб билади. Унинг фикрича, шифо фақат дори-дармон ёки тиббий муолажада эмас, балки шифокор ва бемор ўртасидаги ишончда ҳам намоён бўлади.

— Бемор шифокор ҳузурига келар экан, унинг қалбида турли хавотир ва умидлар бўлади, — дейди Улуғбек Каримов. — Айниқса, кўз билан боғлиқ муаммолар инсонни қаттиқ ташвишга солади. Шунинг учун аввало беморни тинглаш, унинг дардини тушуниш, даволаш жараёни ҳақида атрофлича маълумот бериш керак. Бемор шифокорга ишонса, даволаниш жараёнида ҳам ўзини хотиржам ҳис қилади.

У.Каримов 2019 йилдан буён "MARVA NUR MED" хусусий клиникасида фаолият юритиб келмоқда. Бу йиллар давомида унинг малакаси, амалий тажрибаси ва касбий маҳорати янада сайқал топди. Айни пайтда клиникада лаборатория, физиотерапия, муолажа хонаси, МСКТ, УЗИ, шунингдек, энг замонавий кўз текшириш тиббий ускуналари беморларга беминнат хизмат кўрсатаяпти. Энг муҳими, минглаб беморлар Улуғбек аканинг меҳнати, билими ва масъулияти туфайли кўзларига нур, қалбларига умид қайтганини ҳис этдилар. Зеро, кўриш қобилиятини йўқотиш хавфи билан яшаган инсон учун яна равшан дунёни кўриш, фарзандининг чеҳрасини, яқинларининг табассумларини илгаригидек идрок этишдан ортиқ қувонч йўқ. Шифокор учун эса ана шу қувончга сабабчи бўлишнинг ўзи катта бахт ва меҳнатининг энг юксак эътирофидир. Улуғбек аканинг яна бир эътиборга молик фазилати — ёш мутахассисларга йўл кўрсатиш, билим ва тажрибасини улар билан баҳам кўришга интилишидир. Унинг қўл остида касб сирларини ўрганган шогирдлар бугун тиббиёт соҳасида ўз ўринларини топиб, эл саломатлиги йўлида хизмат қилмоқдалар.



Шогирдларидан Сухроб Очилов айни пайтда вилоят кўз касалликлари шифохонасининг бош шифокори сифатида фаолият юритса, яна бир шогирди, ўғли Асадбек — ота касбини давом эттириб келмоқда. Бу албатта, ота учун катта қувонч. Чунки шифокорнинг ҳақиқий мероси фақат даволаган беморлари сони билан эмас, балки ўзи ўргатган, касбга йўналтирган шогирдлари билан ҳам ўлчанади.

Дарҳақиқат, Улуғбек ака клиника бош шифокори сифатида жамоа учун яхши раҳбар, беморлар учун эса малакали мутахассис. Клиника шифокорлари — невропотолог Шерзод Бўриев, уролог Миржалол Маматқулов, лор врач Жасур Худойбердиевларнинг таъкидлашича, унинг иш услубида талабчанлик, масъулият ва инсонпарварлик уйғунлашиб кетган. У жамоада ҳамиша ўзаро ҳурмат, касбга садоқат ва бемор манфаатини устувор қўйиш тамойилларига амал қилишга интилади.

— Улуғбек акадан ўрнак оладиган, ўрганадиган жиҳатлар жуда кўп. У доимо ўз устида ишлайди, ҳамкасбларидан ҳам шуни талаб қилади. "Бу замон талаби, бугунги глобаллашув даврида тиббиёт соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Хоҳ у шифокор бўлсин, хоҳ ҳамшира, ўз устида ишлаб, муносиб хизмат қилмаса, кўп нарсадан бенасиб қолади", деб уқтиради ҳамиша, — дейди клиника неврологи Шерзод Бўриев.

Беморлар дардига малҳам бўлаётган, Гиппократ қасамёдига содиқ қолган ҳолда самарали меҳнат қилаётган шифокорлар орамизда кўп. Ана шундай инсонлар туфайли одамлар тиббиётга, оқ халат соҳибларига ишонч билан қарайдилар. Улуғбек Каримовнинг ҳаёт йўли ҳам бир ҳақиқатни тасдиқлайди: инсон ўз касбини чин дилдан севса, унинг ҳар бир куни изланиш, ҳар бир ҳаракати эзгулик, ҳар бир ютуғи эса одамлар қувончига айланади. Энг муҳими, шифокорнинг меҳнати натижаси беморнинг дуоси, яна равшан дунёга қайтган нигоҳлари ва миннатдор табассумида намоён бўлади. Шундай экан, инсонларга кўз нури, ҳаётга ишонч ва қалбларга умид улашаётган барча оқ халат соҳиблари ҳамиша эъзозга муносибдир.

Шаҳноза ЮЛДАШЕВА.
("Жиззах ҳақиқати")
Ботир ҚУДРАТОВ олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

СУД ҲУЖЖАТЛАРИДАН НУСХА ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Ҳар бир инсон суд залига адолат умидида қадам қўяди. Фуқаролик ишлари бўйича судларда низолашаётган томонлар учун ҳар бир ҳужжат, ҳар бир қарор муҳимдир. Хўш, фуқаролик суди жараёнида иш материаллари билан танишиш, улардан нусха кўчириш ёки кўчирма олиш тартиби қандай? Қонун бизга бу борада қандай имкониятлар беради?



Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасига кўра, суд ишларидаги ҳужжатларнинг кўчирма нусхаси фақатгина ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг қонуний вакилларига берилади. Бунинг учун улар томонидан тегишли ариза тақдим этилиши лозим. Ҳужжатлар нусхаси суд раҳбарияти ёки судьянинг ёзма рухсати билан девонхона мудири, архив мудири ёки судья ёрдамчиси томонидан берилади. Ушбу кодекснинг 279-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқишга ва унда йўл қўйилган хатоликларни баённома имзоланган кундан эътиборан беш кун ичида кўрсатиб, ёзма равишда фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли. Суд мажлиси баённомаси устидан эътирознома тақдим этувчи шахслар баённома билан тегишли муддат ҳисобга олинган ҳолда ариза (илтимоснома) берилган куни таништирилади. Баённома билан танишиш натижасида унга нисбатан билдирилган эътирозлар суд томонидан қабулхонада белгиланган иш вақти режимидан қатъий назар, қабул қилиниши лозим.

Суд архивидан нусха олиш мураккаб эмас, аксинча, қонун билан аниқ тартибга солинган, ҳар бир фуқарога очиқ бўлган ҳуқуқдир. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳужжатнинг ҳар бир бети учун амалдаги БҲМнинг 2 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади. Суд ишларида мавжуд бўлган аудио ва видео ёзувларнинг нусхаларини олишни истаган мурожаатчилар буни ўз ҳисобидан амалга оширадилар.

Суд архивида ҳар бир қарор келажак учун асраб қолинади. Демак, ҳар бир фуқаро ҳар доим ўз ҳуқуқини қонуний йўл билан қайта тиклаш имкониятига эга. Бунинг учун фақат тўғри манзилга, тўғри ҳужжатлар билан мурожаат қилиш кифоя.

С.НАБИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди раиси.

Э.НОРҚУЛОВ,
ушбу суднинг архив мудири.

t

АДЛИЯ маслаҳатхонаси

— Фарзандсизлигимиз сабабли турмушим бузилди. Менга тоғам машина ҳадя қилганди. Ҳозир мен билан ажрашаётган аёлим машинада унинг ҳам ҳаққи борлигини айтиб, машинани сотиш орқали унинг ярим пулини талаб қиляпти. Ушбу машинада аёлимнинг ҳам ҳаққи борми?
Ш.ТУЛАКОВ.

— Оила кодексининг 25-моддасида эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулки белгилаб қўйилган. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Маълум қилишингизча, сизга тоғангиз томонидан машина ҳадя тарзида берилган экан, демак, юқоридаги моддага асосан бу машина сизнинг ўз мулкингиз ҳисобланади, бунда аёлингизнинг ҳаққи йўқ.

Туротбек ЛАТИПОВ,
Зомин туман адлия бўлими бошлиғи.

* * *

— Интернетдан онлайн тарзда нуқсонли телефон сотиб олдим. Етказилган зарарни ким қоплайди?
К.НАМАЗОВ.

— "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига кўра, истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли. Агар товардан фойдаланилмаган, у шикастланмаган, қадоғи билан қайтарилган бўлса, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган ва ушбу сотувчидан сотиб олганлигини тасдиқловчи асослар бўлса, истеъмолчининг товарни алмаштириш ёхуд қайтариб олиш ҳақидаги талаби қаноатлантирилиши лозим.

Камолиддин ҚУРБОНОВ,
Зомин туман ДХМ маркази директори.

* * *

— Турмуш ўртоғим маҳалламизда содир этилган ўғирлик жиноятида гумонланиб, ички ишлар идорасига олиб кетилди. У ерда эрим қанча муддатда ушлаб турилади?
Б.ЯРАШОВА.

— Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасига асосан шахсни ушлаб туриш муддати 48 соатдан ошмаслиги лозим. Ундан кўп муддатда фақат суднинг санкцияси билан ушлаб туриш мумкин. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин.

Санжар АМИРОВ,
Зомин туман юридик хизмат маркази бош юрисконсульти.

* * *

— Эрим иш жойида бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этди. Бу вазиятда менга пенсия тайинланадими?
В.ИКРАМОВА.

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, агар фуқаро оиладаги асосий боқувчисини йўқотган бўлса, тўғридан-тўғри яшаш жойдаги Пенсия жамғармаси бўлими ёки вафот этган боқувчисининг охирги иш жойи бўйича ташкилотнинг маъмуриятига ариза орқали мурожаат қилиши мумкин. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш учун фуқаро 6 ойдан кечикмай мурожаат этса, пенсия боқувчи вафоти кунидан бошлаб тайинланади. Агар 6 ойлик муддат ўтказиб юборилган тақдирда мурожаат этилган кундан бошлаб тайинланади.

Гулзода МАМАТҚУЛОВА,
Зомин туман юридик марказ бошлиғи.

* * *

— Кредитга 50 дона автомашина сотиб олганман. Уларнинг барчасини гаровга қўйиб, суғурта қилдирганман. Суғурта шартномаси кредит муддати даврига тузилган эди. Кредит қарзини муддат тугашидан 2 йил олдин тўладим. Суғурта мукофотини олсам бўладими?
Л.ХУДАЁРОВ.

— Фуқаролик кодексининг 948-моддасига асосан суғурта шартномаси, агар у кучга киргунидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Суғурта шартномаси юқоридаги кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

Шухрат ТУРСУНОВ,
Зомин туман адлия бўлимининг юридик хизмат маркази бош юрисконсульти.

* * *

— 1 йилдан буён ижара шартномаси асосида яшайман, хонадон эгаси 10 кунда уйни бўшатиб қўйишимни талаб қилмоқда, бу қанчалик тўғри, уй эгасининг бундай ҳуқуқи борми?
Х.ЮЛДАШЕВ.

— Йўқ, ижарага берувчида бундай ҳуқуқ мавжуд эмас. Фуқаролик кодексининг 615-моддасига кўра, уй-жойни ижарага бериш шартномаси тарафларнинг келишуви билан бекор қилинади.

Баъзи бир ҳолатлар бундан мустасно: агар шартномада узоқроқ муддат белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи томонидан уй-жой учун 6 ой мобайнида, қисқа муддатли ижарада эса шартномада белгиланган ҳақ тўлаш муддати ўтганидан кейин 2 мартадан кўпроқ ҳақ тўланмаган бўлса; ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавобгар бўлган бошқа фуқаролар томонидан уй-жой вайрон қилинса ёки унга путур етказилса; уй-жойдан ғайриҳуқуқий қилмишларни содир этиш учун фойдаланилган бўлса, ижарага берувчининг талабига биноан суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Агарда Сиз юқоридаги ҳолатларга йўл қўймаган бўлсангиз, ижарага берувчининг уй-жойдан чиқиб кетиш тўғрисидаги талаби устидан фуқаролик ишлар бўйича судларга мурожаат қилиш орқали бузилган ҳуқуқларингизни тиклашингиз мумкин.

Толибжон УМАРОВ,
Зомин туман адлия бўлимининг юридик хизмат маркази бош юрисконсульти.

15 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ

Трансмиллий уюшган жиноятчилик бугунги кунда дунё хавфсизлиги ва барқарор тараққиётга жиддий таҳдид солаётган мураккаб муаммолардан биридир. Унинг хавфли жиҳати шундаки, бундай жиноий тармоқлар давлат чегараларидан ошиб, бир нечта мамлакат ҳудудида фаолият юритиши, замонавий технологиялар имкониятларидан фойдаланиши мумкин. Наркотик моддалар ва одам савдоси, ноқонуний миграция, қурол-яроғ контрабандаси, жиноий даромадларни легаллаштириш ва кибержиноятлар шулар жумласидандир. Бундай жиноятларга қарши курашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг ҳамжиҳатлиги ва фуқаролик масъулиятини талаб этади.

ОГОҲЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

Вилоятимизда бу борада ёшлар билан манзилли ишлаш ва аҳоли орасида ҳуқуқий тушунтириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Профилактика ишларининг амалий натижалари статистик кўрсаткичларда ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоятда 307 та наркожиноят аниқланиб, ноқонуний муомладаги 97 килограмм 67 грамм наркотик модданинг савдоси ва тарқатилишига чек қўйилган. Бу рақамлар гиёҳвандликка қарши курашни янада кучайтириш, айниқса, ёшларни ушбу иллатдан ҳимоя қилиш нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Жиноятчиликнинг янги кўринишлари рақамли макон билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Интернетдаги сохта инвестиция таклифлари, фирибгарлик ҳаволалари, шахсий маълумотларни қўлга киритиш ва банк карталаридаги маблағларни ўзлаштириш каби ҳаракатлар уюшган жиноий тармоқлар учун ҳам даромад манбаига айланмоқда. Шу боис, аҳолининг киберхавфсизлик бўйича билимларини ошириш мақсадида "Apk qo'riqchi", "Humogram", "Jizzax kibermaslahat bot" каби дастурлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Натижада фуқароларнинг маблағ йўқотишлари билан боғлиқ мурожаатлар бир ой ичида 16 фоизга камайган, банк карталари орқали етказилган зарар миқдори 7 миллиард 904 миллион сўмга қисқарган. Кибержиноятлар сони эса 2087 тадан 1890 тага тушган.

Бундан ташқари, Тезкор бошқарув марказининг "Қалқон" тизимига 5 901 та видеокузатув камераси интеграция қилиниб, марказ имкониятлари орқали жорий йилда 2300 дан ортиқ жиноят аниқланган. Бу каби замонавий ёндашувлар жиноятларни тезкор аниқлаш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳам эътибордан четда эмас. Вилоятда 41 нафар вояга етмаган шахс томонидан 35 та жиноят содир этилгани, ҳуқуқбузарликка мойил 1249 нафар ёш билан индивидуал тартибда иш олиб борилаётгани бу йўналишдаги вазифалар ҳали долзарблигини кўрсатади. Бунда маҳалла еттилиги, таълим муассасалари, ота-оналар ва мутасадди ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ҳар бир ёшнинг муаммосига бефарқ бўлмаслик муҳимдир.

Зеро, уюшган жиноятчиликка қарши курашда унинг илдизларини бартараф этиш, инсонларни алдов ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши ва муносиб ҳаёт қуриши учун имконият яратиш ҳам бу курашнинг муҳим таркибий қисмидир.

Юсуфбек САЙДАЛИЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")

"ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ЮРТ" ТАДБИРЛАРИДА

НАРКОЖИНОЯТЛАР фош этилмоқда

Юртимизда давом этаётган "Хавфсиз ва соғлом юрт" тезкор-профилактик тадбирлар доирасида вилоят ИИБ тезкор ходимлари томонидан гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, уларнинг тарқалиш каналларини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тезкор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.



Ғаллаорол туманидаги "Сангзор-15" ЙПХ масканида тўхтатилган "Onix" русумли автомобиль холислар иштирокида кўздан кечирилганда, йўловчи ўриндиғи тагидан икки пакетга жойланган жами 215 грамм миқдоридаги марихуана моддаси аниқланди.

Мазкур гиёҳвандлик воситалари автомобиль йўловчиси, муқаддам судланган, Жиззах шаҳрининг Маданият маҳалласида яшовчи фуқаро Собит Эшназаровга (исм-шарифлари ўзгартирилган) тегишли экани маълум бўлди. Ҳозирда ҳолат юзасидан терговга қадар текширув олиб бориляпти.

* * *

Вилоят ИИБ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган яна бир тезкор тадбирда 1968 йилда туғилган, Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида яшовчи фуқаро Комил Пирназаров Пахтакор туманидаги Хайробод маҳалласи ҳудудида 11 грамм миқдоридаги марихуана моддасини сотаётган вақтида қўлга олинди. Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

"Хавфсиз ва соғлом юрт" тезкор-профилактик тадбирларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, айниқса, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашишга манзилли тартибда эътибор қаратиляпти.

С.ЮСУПОВ.
("Жиззах ҳақиқати")

16-NOYABR — XALQARO BAG‘RIKENGLIK KUNI

TINCHLIK BO‘LMASA TARAQQIYOT BO‘LMAYDI

Yurtimiz mustaqillikka erishgan kunlardan boshlab davlatimiz o‘z fuqarolarining huquq va erkinliklarini to‘la ta’minlab bera oladigan, ularning orzu-istaklarini ro‘yobga chiqarishga xizmat qiladigan demokratik jamiyat qurish uchun tinimsiz harakat qilib kelmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 31-moddasida shunday deyilgan “Hamma uchun vijdon erkinligi kafolatlanadi. Har bir inson xohlagan diniga e’tiqod qilishi yoki hech qaysi dinga e’tiqod qilmaslik huquqiga ega. Diniy qarashlarni majburiy singdirishga yo‘l qo‘yilmaydi”.



Islom dini ta’limotiga ko‘ra insonlarni yoki jamoalarni biror dinga majburan kiritib bo‘lmaydi. Bu haqda Qur’oni Karimda shunday xabar beriladi: *Dinda majburlash yo‘q, zero to‘g‘ri yo‘l yanglish yo‘ldan ajrim bo‘ladi.* (Baqara 256). Vatanimiz ko‘p millatli xalq bo‘lib, hozirgi kunda bu yerda 130 dan ortiq millat va elat vakillari, tinch-omon, ahil-inoq yashab kelmoqdalar. Ana shu ezgulik va tinchlik-osoyishtalik omili bo‘lgan diniy bag‘rikenglik tamoyillarini yanada mustahkamlash va rivojlantirishga diyorimizda alohida e’tibor qaratib kelinmoqda.

Diniy bag‘rikenglik deganda musulmonlar istilohida muruvvat deyiladi. Muruvvat, diniy bag‘rikenglik Islomning tamaltoshi, e’tiqod va dinlar tarixidagi bir omildir. Islom dini avval boshidanoq insoniyatga asl muruvvatni, islom ahliga hatto boshqa din vakillariga ehtirom hamda bag‘rikenglik bilan munosabatda bo‘lishni o‘rgatib kelgan. Islom dini o‘zidan oldingi samoviy dinlarni shunchaki hurmat qilish bilan cheklanmay, o‘sha din vakillariga cheksiz muruvvatlar ko‘rsatishgan. Manbalarda keltirilishicha: Payg‘ambarimiz (S.A.V) Madinaga kelganlarida davlat ishlaridagi birinchi amallari o‘sha yerlik yahudiylar bilan ularning aqidalarini hurmat qilishga asoslangan ahdnoma tuzish bo‘ldi.

Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasida 16 ta diniy konfessiya va 2236 ta diniy tashkilot faoliyat olib bormoqda. Ushbu ko‘rsatkichlar mamlakatimizda dindorlar o‘z e’tiqodlari bilan bog‘liq bo‘lgan barcha ibodat va marosimlarni emin-erkin ado etib, milliy va diniy bayramlarini o‘z an’analariga muvofiq nishonlayotganini ko‘rsatadi. Mustaqillik yillarida respublikamizda yuzlab masjidlar qurildi. Shulardan ba’zilari qayta ta’mirlanib zamonaviy talablar asosida obodonlashtirildi.

Bizga ma’lumki, 1995-yil 16-noyabrda YUNESKO xalqaro tashkiloti tomonidan “Bag‘rikenglik tamoyillari Deklaratsiyasi” qabul qilindi. Deklaratsiyada irqi, jinsi, kelib chiqishi, tili, dinidan qat’iy nazar, bag‘rikenglikni targ‘ib etish, inson huquqlari va erkinliklarga hurmat bilan qarash kabi majburiyatlar aks etgan. Shuning uchun ham yurtimizda 16-noyabr — “Xalqaro bag‘rikenglik kuni” deb e’lon qilingan. Bag‘rikenglik tamoyillari Deklaratsiyasida shunday qaydlar bor: Bag‘rikenglik bo‘lmasa, tinchlik bo‘lmaydi, tinchlik bo‘lmasa, taraqqiyot bo‘lmaydi.

Otabek YULDASHEV,
Forish tumanining bosh imom-xatibi.



Hafiza Qudratovaning ilm va ma’rifat yo‘lidagi xizmatlari uning zahmatkash ziyoli oilasi bilan chambarchas bog‘liq. Uning otasi — taniqli pedagog, butun vohada nom qozongan nuroniy ustoz G‘ofur Qudratov 1974-yilda Jizzax viloyati mustaqil hudud sifatida tashkil etilishi hamda Jizzax davlat pedagogika instituti (hozirgi universitetning) ilk poydevori qo‘yilishida faol ishtirok etgan jonkuyar insonlardan edi. Institutda oddiy o‘qituvchilikdan fakultet dekani darajasigacha bo‘lgan sharafli va mashaqqatli yo‘lni bosib o‘tgan G‘.Qudratovning ilmiy-pedagogik yondashuvi xonadonda yuksak ma’rifiy muhitni qaror toptirdi. Bu muhit yosh Hafizaning qalbida kitobga, ilm-fanga va insonlarga xizmat qilishga bo‘lgan cheksiz muhabbatni uyg‘otdi.

Hafiza opa mehnat faoliyatini 1983-yil 1-sentabrda Jizzax viloyat ilmiy-universal kutubxonasida oddiy xodim sifatida boshladi.

QUTLOV

Insoniyat tarixida shunday kasb egalari borki, ularning faoliyati jamiyatning ma’naviy qiyofasini belgilaydi, kelajak avlod dunyoqarashini shakllantiradi. Ana shunday ezgu va mas’uliyatli vazifani shior qilib, Jizzax vohasida axborot-kutubxona sohasini yangi bosqichga olib chiqqan, umrini ma’rifat tarqatishga baxsh etgan zahmatkash olima, jonkuyar rahbar va mehribon ustoz — Sharof Rashidov nomidagi Jizzax viloyat axborot-kutubxona markazi direktori Hafiza G‘ofurovna Qudratova qutlug‘ 60 yoshini qarshilamoqda.

ILM VA MA’RIFATGA BAXSH ETILGAN UMR

Ishga bo‘lgan mas’uliyati va kitobxonlarga bo‘lgan samimiy munosabati tufayli u sohaning sir-asrorlarini quyi tizimdan boshlab puxta o‘rgandi. Keyinchalik Jizzax davlat pedagogika institutining ona tili va adabiyoti fakultetini tamomlab, o‘z bilimini yanada mustahkamladi. Hafiza opa o‘z faoliyatida otasidan meros bo‘lib kelayotgan “Ustoz-shogird” an’analariga qat’iy rioya qilib, viloyatdagi yosh axborot-kutubxona mutaxassislarini tayyorlash va ularning kasbiy mahoratini oshirishda o‘ziga xos tizimli maktab yarata oldi. Bugungi kunda ushbu an’ana shunchaki ish uslubi emas, balki katta bir ilmiy-amaliy maktabga aylandi. Ustoz yaratgan ushbu tizim yillar davomida kutubxonachilik kasbining nufuzini oshirishga va vohada yuzlab malakali kadrlar yetishib chiqishiga xizmat qildi.

Hafiza opa ishxonada qattiqqo‘l va talabchan rahbar bo‘lsa, o‘z xonadonida mehribon rafiqa, suyukli ona va ardoqli buvidir. U kishi turmush o‘rtog‘i bilan birgalikda ikki nafar farzandni el-yurtga nafi tegadigan, yuksak ma’naviyatli, oliy ma’lumotli insonlar qilib tarbiyaladi.

Hafiza Qudratovaning sohani rivojlantirish, kitobxonlikni yuksaltirish va jamoat ishlaridagi ko‘p yillik samarali mehnatlari davlatimiz tomonidan munosib baholanib, “Xalq ta’limi a’lochisi”, “Mo‘‘tabar ayol”, “Axborot-kutubxona a’lochisi”, “Ma’rifat fidoiysi” ko‘krak nishonlari hamda yurtimiz mustaqilligining 35 yilligi ko‘krak nishoni bilan taqdirlangan. Umrining oltmish yillik dovonini baland orzular, ulug‘vor maqsadlar va xayrli amallar bilan zabt etgan Hafiza G‘ofurovnaning hayot yo‘li va ilmiy-tashkiliy faoliyati bugungi kunda haqiqiy ibrat maktabidir.

Viloyatimiz ahli, ziyolilar, keng kitobxonlar jamiyati hamda shogirdlaringiz nomidan Sizni, muhtaram Ustoz, qutlug‘ 60 yillik yubileyingiz bilan chin qalbdan samimiy muborakbod etamiz! Sizga Allohdan uzoq va barakali umr, mustahkam sog‘liq, oilaviy baxt-saodat, farzandlar va nabiralar kamolini ko‘rib yurish nasib etishini tilaymiz!

Shohista NORMATOVA,
Sharof Rashidov nomidagi Jizzax viloyat axborot-kutubxona markazi direktor o‘rinbosari.

17-NOYABR — XALQARO TALABALAR KUNI

Inson ko‘nglida shunday bir nur borki, u qalbdagi qiziqishni maqsadga, maqsadni esa izchil harakatga aylantiradi. Kimdadir bu nur san’atga, kimdadir texnikaga, yana kimdadir ilm-fanga bo‘lgan mehr orqali namoyon bo‘ladi. Nafisa Axrorova uchun esa ana shu nur bolalikdanoq ona tili va adabiyotga bo‘lgan muhabbat, so‘zga ehtirom va ijodga intilishda o‘z ifodasini topdi.

ISTE’DODGA MEHR HAMROH BO‘LSA...



Nafisa 2006-yil 27-aprelda tadbirkor oilasida tug‘ilgan. Ota-onasi hamda ustozlari uning ijodkorlikka, ona tili va adabiyotga bo‘lgan qiziqishini hali o‘quvchilik kezlaridayoq payqagandi. Shu bois, Nafisa tahsilni Hamid Olimjon va Zulfiya nomidagi ijod maktabida davom ettirdi. Maxsus imtihonlardan muvaffaqiyatli o‘tib, beshinchi sinfdan ushbu dargoh o‘quvchisiga aylandi. Ijodga ilk qadamlar maktabning “Ijod gulshani” maxsus jurnalida bosilgan kichik she’r va ijodiy namunalar orqali boshlandi. Ilk she’rining jurnal sahifasida e’lon qilinishi Nafisa uchun unutilmas voqea bo‘ldi.

— Ijod maktabi men uchun adabiyot nafasi ufurib turadigan, fikr va tasavvur qanot yozadigan o‘ziga xos ma’naviy muhit bo‘ldi, — dedi Nafisa. — Bu yerda men so‘zning qudratini, badiiy tafakkurning imkoniyatlarini chuqurroq anglay boshladim. Ona tili va adabiyotga mehr uyg‘otgan ustozlarim Shahnoza Mavlyanova, Erkin Ochilov, chet tillarini sevib o‘rganishimga sababchi bo‘lgan ingliz tili o‘qituvchisi va sinf rahbarim Nafisa Abirqulovalardan cheksiz minnatdorman. Ularning saboqlari menga faqat fan doirasi bilan cheklanmay, hayotga daxldor muhim xulosalarni ham o‘rgatdi.

Darhaqiqat, vaqt o‘tishi bilan Nafisaning qiziqishlari aniq maqsadga aylandi. Natijalar esa mehnatning samarasini yaqqol ko‘rsatdi: to‘qqizinchi sinfda ona tili va adabiyot fanidan viloyat olimpiadasida ikkinchi, o‘ninchi sinfda birinchi, o‘n birinchi sinfda esa uchinchi o‘rinni egalladi. Ushbu yutuqlar uni olimpiadaning respublika bosqichida ham ishtirok etishga olib chiqdi. Bu jarayonda Abdulla Abduhamidov va Hilola Mamarasulova kabi ustozlarining ko‘magi, maslahatlari va ishonchi muhim tayanch bo‘ldi.

O‘quvchilik yillaridagi yana bir salmoqli natija — oliy ta’limga kirish uchun zarur bo‘lgan bilim va tayyorgarlik darajasini oldindan namoyon eta olganidir. Nafisa 11-sinfni tamomlashidan avval fan sertifikatlari orqali 189 ballik tizimda 178 ball to‘pladi. Unda ingliz tilidan B2, o‘zbek tili va adabiyotidan A, tarix fanidan C darajali sertifikatlar bor edi. Bu muvaffaqiyatda maktab direktori Dilafruz Hamdamova va o‘quv ishlari bo‘yicha direktor o‘rinbosari Abror Ataboyevning mas’uliyatli rahbarligi hamda to‘g‘ri yo‘nalish ko‘rsatgani alohida ahamiyat kasb etdi.

2025-yilda Nafisa 183,5 ball bilan Jizzax davlat pedagogika universitetining filologiya fakulteti, o‘zbek tili va adabiyoti yo‘nalishiga o‘qishga qabul qilindi. Universitet muhitida ham u ilm va ijoddan uzoqlashmadi. “Milliy tiklanish” demokratik partiyasi tashkil etgan diktantlar tanlovida birinchi o‘rinni, 21-oktabr — O‘zbek tili bayrami kuni munosabati bilan o‘tkazilgan she’rlar tanlovida ham birinchi o‘rinni qo‘lga kiritdi. Kitobxonlik tanlovlari va sport musobaqalaridagi ishtiroki esa uning qiziqishlari kengligidan dalolat beradi. Bugun Nafisa tanlagan sohasida yanada chuqurroq izlanish, ilmiy salohiyatini oshirish yo‘lida. Ustozi filologiya fanlari doktori Nodira Soatova bilan birgalikda qator maqolalar ustida ish olib bormoqda. Kelgusida jamiyatimiz va fan taraqqiyotiga munosib hissa qo‘shadigan ilmiy tadqiqotlar olib borishni maqsad qilgan.

Shahnoza FARHODOVA.
(“Jizzax haqiqati”)

BUGUN XALQARO DIABETGA QARSHI KURASH KUNI

QANDLI DIABET — BEFARQLIKNI KECHIRMAYDI!

Hozirgi kunda dunyo bo‘yicha yarim milliarddan ziyod kishi qandli diabetdan aziyat chekmoqda. Ulardan juda katta qismi xastalikning 2-turiga chalingan. JSST ma’lumotlariga ko‘ra, 2050-yilga borib bu ko‘rsatkich qariyb 1,5 milliard nafarga yetishi mumkin. Xo‘sh, qandli diabet nima, uning asoratlari qanday va davo choralari bormi? Respublika endokrinologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi Jizzax filiali endokrinolog shifokori Azamat G‘aniyev shu haqda gapirib berdi:



— Qandli diabet — organizmda insulin gormoni yetarli miqdorda ishlab chiqarilmasligi yoki uning ta’siri samarali bo‘lmasligi natijasida qonda glyukoza miqdori ortib ketishi bilan kechadigan surunkali kasallikdir. Insulin qondagi glyukozaning hujayralarga kirishi va energiya manbai sifatida ishlatilishida muhim vazifani bajaradi. Kasallikning eng ko‘p uchraydigan turlaridan biri 2-tur qandli diabet. U ko‘pincha ortiqcha vazn, kamharakatlik, noto‘g‘ri ovqatlanish, irsiy moyillik va yosh o‘tishi bilan bog‘liq xavf omillari ta’sirida rivojlanishi mumkin. Ammo bu kasallik faqat keksa yoshdagilarga xos, deb o‘ylash noto‘g‘ri. Bugungi kunda yoshlar orasida ham uning uchrashi ko‘paymoqda.

Shu maqsadda har yili noyabr oyida o‘tkaziladigan Xalqaro diabetga qarshi kurash kuni munosabati bilan aholi o‘rtasida keng qamrovli targ‘ibot-tushuntirish tadbirlari tashkil etilmoqda. Oylik davomida tibbiy ko‘riklar, ochiq muloqotlar, mutaxassislar ishtirokida suhbatlar o‘tkazilib, aholi vakillariga kasallikning dastlabki belgilari, uning asoratlari va profilaktika choralari haqida ma’lumotlar berilmoqda. Shuningdek, sayyor laboratoriyalar faoliyati yo‘lga qo‘yilib, ortiqcha vazn va qondagi qand miqdori aniqlanmoqda. Eng tashvishli jihati shundaki, diabet dastlabki bosqichlarda ba’zan sezilarli belgilarsiz kechadi. Inson o‘zini sog‘lom his qilishi, kundalik yumushlarini bajarishi mumkin. Biroq organizmdagi o‘zgarishlar sekin-asta davom etaveradi. Shu bois, muntazam tibbiy tekshiruvdan o‘tish kasallikni erta aniqlashning eng muhim shartlaridan biridir.

Qandli diabetning dastlabki belgilariga tez-tez chanqash, og‘iz qurishi, ayniqsa, kechasi hojatga chiqishning ko‘payishi, doimiy charchoq, ishtahaning o‘zgarishi, sababsiz ozib ketish, ko‘rish qobiliyatining xiralashishi kiradi. Ayrim hollarda yaralarning sekin bitishi, teri qichishishi va tez-tez infeksiyalar bilan kasallanish ham kuzatilishi mumkin. Albatta, bu belgilarning har biri boshqa kasalliklarda ham uchrashi ehtimoldan xoli emas. Shuning uchun o‘zboshimchalik bilan tashxis qo‘yish yoki davolanish emas, balki shifokorga murojaat qilish zarur. Qondagi glyukoza miqdorini aniqlash uchun laboratoriya tekshiruvlari o‘tkaziladi. Qandli diabetga o‘z vaqtida e’tibor qaratilmasa, u inson organizmining turli a’zolariga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Xususan, yurak-qon tomir tizimi, buyraklar, ko‘z to‘r pardasi va asab tizimi zararlanishi ehtimoli ortadi.

Eng muhimi, kasallikni nazorat qilish, shifokor tavsiyalariga amal qilish va belgilangan davolash rejasini uzluksiz bajarishdir. Bugungi tibbiyot imkoniyatlari tufayli qandli diabet bilan yashayotgan ko‘plab insonlar faol, mazmunli va to‘laqonli hayot kechirmoqda. Kasallik qanchalik erta aniqlansa, uni nazorat qilish imkoniyati ham shunchalik yuqori bo‘ladi. Unutmaylik, kasallikni kutib o‘tirish emas, uning oldini olish –salomatlik sari tashlangan eng to‘g‘ri qadamdir!

Suhbatni
Shahnoza YULDASHEVA yozib oldi.
(“Jizzax haqiqati”)





Sms suhbati:
— Salom yaxshi qiz!
— Salom!
— Tanishsak bo‘ladimi? Ismingiz nima?
— Menikimi? Shohida.
— Meniki esa bargida.

* * *

Boy ota o‘g‘lini institutdagi imtihonlarni topshirib olishi uchun o‘qituvchilar bilan “kelishib” qo‘yibdi.

— O‘g‘limni bilimi sal pastroq. Sizdan iltimos, osonroq savol bersangiz...

O‘qituvchi rozi bo‘libdi. Imtihon boshlanibdi. Navbat boyning o‘g‘liga kelibdi.

— Sizga oson savol beraman. Abdulla Oripovning “O‘zbekiston” she’rini kim yozgan? — debdi o‘qituvchi.

Haligi yigit o‘ylanib turib:

— Shukur Burxonov, — dermish.

Xudoyberdi ZIYOTOV tayyorladi.

Jizzax haqiqati

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari viloyat Kengashi va viloyat hokimligi

Bosh muharrir Bahodir NAZAROV

Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018-yil 7-dekabrda 06-038 raqami bilan ro‘yxatdan o‘tgan.

ISSN 2010 7730. Qog‘oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588.

QABULXONA — (72) 226-40-65.
XATLAR va MUROJAATLAR — (72) 226-18-10,
REKLAMA va E’LONLAR — (72) 226-49-48,
HISOBXONA — (72) 226-08-67.

Navbatchi muharrir: **X.IRGASHEVA.**
Gazeta operatorlari: **A.NORBOYEV, D.SADIROV.**
Musahhih: **B.HAMIDOVA.**

Tahririyat besh qog‘oz hajmgacha bo‘lgan qo‘lyozmalarni qabul qiladi. Qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e’lonlar matni uchun tahririyat javobgar emas.

t — tijorat materiallari

Gazeta «ERUDIT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.

Shartnoma bo‘yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 17.20

Buyurtma № 856 Adadi: 3802 nusxa. Sotuvda kelishilgan narxda.

https://t.me/jizzaxnews_press

Manzilimiz: *130100 Jizzax shahri, Sayiljoyi ko‘chasi, 4-uy.* **E-mail:** *jizzax.haqiqati@yandex.com* **Indeks:** *№ 3500* *Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.* @Jizzax_haqiqati_murojaat_bot